

Аъроф сураси, 2-3

05:00 / 23.01.2017 3445

2. Бу сенга у ила огоҳлантиришинг учун ва мўминларга эслатма этиб нозил қилинган китобдир. Кўнглингда ундан танглик бўлмасин.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони Карим ила ҳеч нарсага эътибор бермай кофирларни огоҳлантираверишни ва мўминларга эслатма беришни амр қилмоқда. Чунки одамларга Қуръон ила мурожаат қилиш осон эмас. Бу йўлда кўпгина қийинчиликлар келиб чиқади. Қуръони Каримни одамларга етказишга уринган киши уларнинг ҳавои нафсларига, шаҳватларига, мансабларига, ижтимоий ўринларига, урфларига ва кўнгилларига ёқадиган бошқа нарсаларга қарши гапириши керак бўлади. Шунинг учун ҳам бу йўлда танглик кўп чиқади. Золим ҳокимлар ҳақидаги оятларни етказган даъватчига ҳокимлар «Менга суиқасд қилмоқда, ўрнимни тортиб олмоқчи», деб тухмат қилади. Ўғрининг қўлини кесиш ҳақидаги оятларни етказган даъватчи ўғрилардан озор кўради. Намоз ҳақидаги оятларни етказган бенамозлардан танглик кўради. Аёлларга тегишли оятларни етказган одам аёллардан таънаи-дашномларга қолади. Бу ҳол Қуръони Карим нозил бўлгандан буён мусулмонлар бошида рўй бераётган ҳолдир.

Энди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ёлғиз ёки бир қисмгина иймонли кишилар билан бутун оламдан қанчалик танглик кўрганларини тасаввур қилайлик. Шундай бўлса ҳам, Аллоҳ таоло у кишининг кўнгилларида танглик бўлмаслиги зарурлигини таъкидламоқда. У зоти бобаракот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари кўнглида ҳам ҳеч қандай танглик бўлмаслиги керак. Улар Қуръонга жазм ила амал қилишга ўтмоқлари лозим.

3. Сизларга Роббингиздан нозил қилинган нарсага эргашинглар! Ундан бошқа валий-дўстларга эргашманглар. Жуда оз эслайсизлар.

Инсонлар бу дунёда эришмоғи лозим бўлган бирдан-бир нарса ўз Роббиларидан-тарбиячилари, йўлловчилари, эгалари, ризқ берувчилари ва

ҳомийлари Аллоҳдан нозил бўлган Қуръондир.

Инсонлар Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай дўстга эргашмасликлари керак. Чунки Аллоҳдан бошқага эргашган киши нажот топмайди. Аммо, минг афсуски, ғофил инсонлар буни англамайдилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло уларга хитоб қилиб:

«Жуда оз эслайсизлар», демоқда.

Тарихда эса, оз эслаганлар–Аллоҳдан нозил бўлган нарсага эргашмай, Аллоҳдан ўзгани дўст тутганлар ҳалокатга йўлиқишган.